



БАХТ ОШЁНИ ЎЗБЕКИСТОН

Президентимиз Ислom Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кuni оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат чоғида билдирган фикрлари, илгари сурган ғоялари кенг жамоатчилик дили ва тилида акс-садо бермоқда. Уларнинг мулоҳазаларида бир самимий эътироф, ягона маслак мужассам: «Биз чиндан ҳам бахтли мамлакатнинг бахтиёр фуқароларимиз».

2



Қояга чиққан чўққини кўзлар

2015 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари барча соҳада чуқурлашиб бораётган ислохотлар самарасидан яққол далолат берапти

Бунёдкорлик — халқимиз менталитетига хос ноёб хислатлардан биридир. Чиндан ҳам кейинги йилларда нимагаки эришган бўлсак, барчасининг замирида фаол ва бунёдкорона меҳнат ётади. Биз бахтимиз кўргонига пойдевор кўяр эканмиз, ёрдам кутиб четта кўз тикканимиз йўқ. Аксинча, ўз куч ва имкониятларимизга таяндик. Бундай оқилона сиёсат самараси эндиликда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида яққол намоён бўлиб турибди. Ўзбекистоннинг дунёвий нуфузи юксалиб, ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш суръатларига эришилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, ўз эрки ва озодлигини кўлга киритган миллатнинг йўли ойдин, келажаги янада порлоқдир.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислom Каримов шу йил 16 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида иктимoй-иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини таркибий ўзгатириш, модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш, муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш юзасидан устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу асосда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Мана, орадан уч ой ўтди. Натижа қандай? Ҳаракатда — баракат, дейдилар. Жорий йилнинг дастлабки чораги якунлари шундан далолат берадики, юртимизда макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, ётачки саноат қорхоналарини таркибий янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига кўзда тутилган режа-тпшириқларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот салмоғи 7,5 фоиз, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши 7,9 ҳамда 6,3 фоиз, хизматлар ҳажми 13,1 фоизга ўсганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Молия-банк соҳасини тизимли ислох қилиш ва барқарорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида банклар жами капиталининг 24,5 фоиз, активларининг 28,1 фоиз кўпайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасини 2015 йилнинг I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида»ги расмий ахборотномасида қайд этилганидек, жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес, хусусий тadbиркорлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш, самарали инвестиция сиёсатини юритиш янгидан-янги ютуқларга замин бўлмоқда.

Кuni кеча Тошкентда О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари иштирокида «Партия қурилиши йўналишидаги навбатдаги долзарб вазифалар» мавзuida давра суҳбати ўтказилди

Долзарб мавзуда давра суҳбати

Маълумки, миллий қончилика кўра, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўз молия-хўжалик фаолиятини «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда ўз Уставига мувофиқ амалга оширади. Хусусан, сиёсий партияларнинг давлат бюджетидан белгиланган тартибда молиялаштирилиши уларнинг мустақиллигини ва имкониятларини янада кенгайтириб, эмин-эркин фаолият юритишлари ҳамда барча тузилмалари самарали ишлашига хизмат қилиб келмоқда.

Тadbир иштирокчилари айни пайтда қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва тенг ҳуқуқлилик сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари эканини алоҳи-



да таъкидлашди. Шунингдек, сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиш ҳажми ва манбалари ҳақида ахборот эълон қилиб туриши шартлиги умум тан олинган демократик талабларга тўла мос келиши эътироф этилди.

Тadbирда О`zLiDeP фаоллари давлат бюджетидан ажратилган маблағларни оқи-

лона сарфлаш устидан молиявий назорат механизми мавжудлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини айтиб ўтишди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ҳисоб палатаси томонидан кўрсатилган айрим камчиликларни бар-тароф этиш мақсадида соҳанинг етуқ мутахассисларни жалб этган ҳолда интерактив

услугадаги янги тизимнинг афзалликлари ва ундан қандай фойдаланиши мумкинлиги борасида ҳудудий партия ташкилотлари масъуллари учун доимий ўқувлар ва амалий машғулотлар уюштириб келинмоқда.

Давра суҳбатига қатор вазирлик ва идоралар вакиллари таклиф этилиб, улар солиққа тортиш, биноларни ижарага олиш ёки беришга оид қонунчилик талаблари, солиқ ва меҳнат қонunchилигига киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар, ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тadbир давомида иштирокчилар саволларига соҳа мутахассислари батафсил жавоб қайтаришди.

«ТАШАББУС»ДА ҲАМ «О`zLiDeP»ЧИЛАР ФАОЛ

НАВОИЙ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛАДИГАН «ТАШАББУС-2015» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ. — БУ ЙИЛГИ КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ «ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР АЁЛ», «ЭНГ ЯХШИ ЁШ ТАДБИРКОР», «ЁШЛАРГА ЭНГ Кўп ИШ ЎРНИ ЯРАТГАН ТАДБИРКОР», «МЕНИНГ ЮРТИМ МАҲСУЛОТИ — ҲАҲОН БОЗОРИДА» СИНГАРИ НОМИНАЦИЯЛАРИДА ҒОЛИБ БЎЛГАНЛАРИНГ 70 ФОИЗДАН ОРТИГИНИ ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ ТАШКИЛ ЭТГАН ҚУВОНАРЛИДИР, — ДЕЙДИ О`zLiDeP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ ЯШИН ДУШАНОВ. — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙўЛЛАНМА ОЛГАН «ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕР» — ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДАГИ «НАРГИЗ ДИЁР» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОСИ ХУРШИД РАҲМОНОВ ҲАМДА «ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР» — НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ «ТРИУМФ ГОРНЯК» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ РАҲБАРИ ВАЛИБОЙ ҒАЙЗИЕВ ҲАМ ЭНГ ФАОЛ САФДОШЛАРИМИЗДИР.



«Matiz» — 2015 йилнинг энг яхши автоулови!

Россиялик мутахассислар ва автоҳаваскорлар ўртасида ўтказилган «Йил автобили» сўрови якунига кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган «Matiz» автомобили 23 та номинациядан бири — «Шаҳар учун энг яхши автомобил-2015» йўналишида ғолиб деб топилди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ахборот хизматининг хабар беришича, ушбу номинацияга Россия автомобиль бозорида сотилаётган 403 русумдаги автомашина қўйилган бўлиб, сўровда иштирок этган 938 904 нафар қатнашчининг аксарияти «Matiz»га овоз берган. Шу ўринда мазкур автомобиль 2003 йилда ҳам ушбу танловда энг кўп балл тўплагашга муваффақ бўлгани, бу гал «Matiz», «Chevrolet Spark», шунингдек, «Kia Picanto» каби моделларни бироз ортда қолдиришга эришганини айтиб ўтиш лозим.

Халқаро валюта жамғармаси низомининг IV моддасига мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар доирасида ХВЖнинг Ўзбекистон Республикасидаги миссияси якунлари бўйича пресс-релизи

Халқаро валюта жамғармасининг жанoб Ражи Альмарзоки раҳбарлигидаги миссияси 2015 йилнинг 29 апрель – 12 май кунлари IV Моддага мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар ўтказиш учун Тошкентда бўлди

Ражи Альмарзоки миссия иши якунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

«Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаолликнинг сустилиги, шунингдек, нефть нархи пастилиги билан ифодаланадиган мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 8.1 фоизни ташкил этди ва бундай юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди. 2015 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 7,5 фоиз ўсди. Давлат томонидан катта ҳажмда инвестициялар сарфланаётгани ва газ экспортини Россиядан Хитойга қайта йўналтириш стратегияси ушбу босқичда мамлакат иқтисодиётини минтақанинг бошқа давлатларида рўй бераётган секинлашишдан ҳимоя қилди. Ташқи иқтисодий мавке мустаҳкамлигича қолмоқда, ammo жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит ҳажми камайган. ХВЖ ходимлари томонидан истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг муқобил услуби асосида ҳисоблаб чиқилган йиллик инфляция даражаси 2015 йилнинг март ойини ҳам қўшганда бир қадрамли кўрсаткичгача пасайди ва тахминан 9 фоизни ташкил этди.

Солиқ-бюджет сиёсати ҳар доимгидек пухта амалга оширилмоқда. 2014 йилда бирлаштирилган бюджетда кичик профицит юзага келгандан сўнг, 2015 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича бюджет ижроси мувозанати таъминланди. Бу бюджетда кўзда тутилгандан кам маблағ сарфлангани билан боғлиқдир. Инвестициялар ҳамон давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Пул-кредит сиёсати ҳам мослашувчанлик даражасида сақланиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йилнинг январь ойидан асосий ставкани, қайта молиялаштириш ставкасини 12 фоиздан 9 фоизга туширди. Иқтисодиётда кредитлар ҳажми юқоририлигича қолмоқда. Ўзбек сўмини алмаштириш курсининг пасайиш суръатлари Ўзбекистоннинг савдо шериклари бўлган мамлакатлар валютасига нисбатан анча паст.

Банк сектори барқарорлик, изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолмоқда. 2014 йилда гаров таъминотини рўйхатга олишнинг марказлаштирилган тизими жорий этилгани молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш имконини берди.

Келгуси истиқбол ҳақида сўз борганда, шунга айтиш керакики, 2015 йилда иқтисодий ўсиш, кутилганидек юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, шунингдек, таркибий ислохотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш имконини берадиган хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилади. Шундай бўлса-да, қисқа муддат ичида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари ҳисобланган мамлакатларда ўсиш суръатларининг кутилгандан ҳам сезиларли даражада секинлашиши билан боғлиқ хавфларнинг кучайиш эҳтимоли кузатишмоқда. Валюта захираларининг етарлилиги, бюджет соҳасининг мустаҳкамлиги ва давлат улуши даражасининг пастилигини ўз ичига олган салмоқли буфер захираси ҳисобидан юқорида келтирилган омиллар таъсирининг олди олинади. Тегишли иқтисодий сиёсат чоралари, жумладан, солиқ-бюджет сиёсатининг ўртача юмшатилиши, қатъий пул-кредит сиёсати ва мослашувчан алмашув курси қисқа муддатли даврда иқтисодиётда салбий таъсирларни юмшатиш имконини беради.

Аҳоли барча қатламлари манфаатларига хизмат қиладиган барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари хусусий секторни изчил ривожлантиришни рағбатлантиришга асосланган. Бунда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, корпоратив бошқарув ва ошкоралик принципларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Расмий идоралар хусусий секторни изчил ривожлантиришнинг аҳамиятини яхши тушунади. Расмий идораларнинг таъкидлашича, валютани назорат қилиш чораларини юмшатиш, асосий инфратузилма ва хомашё ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, лицензия ва рухсат беришни расмийлаштириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар, муддат ва харажатларни камайтириш, шунингдек, хусусий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш орқали хусусий секторни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар қўрилади. Бу борадаги қатъий чоралар хусусий секторни ривожлантиришга янги туртки беради.

Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич ошириш орқали энергия ресурслари учун мавҳум субсидияларни қисқартириш бўйича стратегиясини, шунингдек, давлат мулки бўлган 1500 дан зиёд объектни корпоратив бошқаришни мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорини ижобий баҳолайди.

Расмий идораларнинг солиқ-бюджет статистикасини эълон қилиш орқали маълумотлар ошкоралигини таъминлаш тўғрисидаги қарори ҳам эътиборга молиқдир. Муҳим иқтисодий ва ижтимоий ахборотдан фойдаланиш ва унинг сифатини янада ошириш амалга оширилаётган сиёсатни ҳақиқий маълумотларни қўллаш ёрдамида мустаҳкамлаш имконини беради. Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг миллий ҳисоб-рақамлар статистикаси масаласи бўйича техник ёрдамини жалб этиш борасидаги режасини маъқуллайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий идоралари ва бўлиб ўтган учрашувларнинг бошқа иштирокчиларига самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади».

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

БАХТ ОШЁНИ ЎЗБЕКИСТОН

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Мехриддин МУҲАММАДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

«Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирив ва барҳаётдир».

Давлатимиз раҳбари ушбу пурҳикмат қаломни бежиз бот-бот такрорламайди. Чунки ўтмишни ҳамиша ёдда тутадиган, ундан тегишли ҳулосалар чиқариб ашайдиган халқгина эртанги кунни ва келажагини теран тасаввур эта олади. Ҳаётбахш режалар тузиб, уларни қатъият билан амалга оширади.

Минг йилликларни қамраб олган жаҳон тарихи не-не қирғинбаротларга гувоҳ бўлмади, дейсиз. Бугун уларнинг барчи ўтмиш. Лекин ўтмишнинг унутилга ҳаққимиз йўқ. Биргина Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қарийб ярим миллион юртдошимиз хотирасини ҳамиша ёдда тутиш, жангтоҳлардан омон чиққан, мустақил Ватанимизда кексалик гаштини сураётган фахрийларни эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ўтказилган тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек: «Ҳеч шубҳасиз, улуг Ватан урушида барча халқлар билан бирга бўлиб, фашизм балоси устидан қозонган ғалабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жугм майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо ғурур ва ифтихор билан эслайди.

Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Мана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тегишли ёки қандайдир «улуг дохий» учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон

берган, «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам», деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди».

Бундан 17 йил муқаддам давлатимиз раҳбари томонидан 9 май — Ғалаба кунига Хотира ва қадрлаш кўни дея ном берилгани «ўз юртини севиш, бетакрор она Ватанига садоқатли бўлиш қон-қонига сингиб кетган» халқимизнинг ажодлари хотирасини бундан-да эъзозлашига яна бир қучли даъват бўлди. Инсон қадрини улуғлаш, хотирасини ҳамиша муқаддас билувчи халқ ҳеч қачон кам бўлмаган, бўлмайди ҳам. Лекин, афсуски, бугунги даврда ҳам ёвуз қушлар мавжудлиги аён бўлиб қолмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида қирғинбарот урушлар юз бераётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, «доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишни замонамизнинг ўзи талаб қилмоқда». Ана шундай бир паллада Юртбошимиз раҳнамолигида ўрнатилган тинчлик-осойишталик шарофати билан эртанги ёруғ, мусаффо кунимиз учун катта куч-ғайрат, ишонч билан бунёдкорлик ишларини амалга ошираёлиқ. Тарих учун ўта қисқа бир даврда дунёдаги етакчи давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаётганимиз эса барчамизни янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Биргина мисол: БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университетини социологлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» мавзюида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 158 та мамлакат орасида 44-ўринни, МДҲ давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллади. Нафақат ён қўшнилариимиз, балки аллақачон тараққийётнинг катта йўлига чиққан мамлакатлар эриша олмаётган бундай натижа халқимиз, мамлакатимиз учун буюк шарафдир.

Демак, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» шиори остидаги бунёдкорлик

ишларимиз янада нурафшон кунларни яқинлаштирмоқда. Чунки тинч ва осойишта яшаб меҳнат қилаётган бахтиёр халқнинг келажаги буюқдир. Зеро, Ўзбекистон том маънода бахт ошёни, бахтли инсонлар манзил-макони, тинчликпарвар ва меҳнатсевар, қалби эзгу амаллар шижоатига тўла одамларнинг Ватанидир.

Буни нафақат биз, балки узоқ-яқиндаги нуфузли таҳлилчилар тан олиб турганининг ўзи бахт эмасми?!

Илҳом НОСИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Ўтганлар хотирасига бош эгиб, уларнинг руҳини шод қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Мамлакатимизда Президентимиз фармони билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни сифатида нишонланаётгани уруш қатнашчилари ва ногиронларига кўрсатилаётган беҳад ҳурмат-иззатнинг ёрқин намунаси, десак муболага бўлмайди. Биз бугунги тинчликнинг қадрига етишимиз керак. Тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатимиздаги барқарорликка, улкан бунёдкорлик ишларига дунёнинг жуда кўп ҳудудларида ҳавас билан қаралаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юртимизда инсон ва унинг ҳуқуқлари изчил ҳимоя қилинаётгани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида» ҳамда 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги ҳар уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»-ги фармонлари кексаларимиз кўнгилни тоғдек кўтарди. Бу озод ва обод Ватанимиз тупроғини оруз қилиб яшаган, мислсиз жасорати ва матона-

ти билан хотирамизда яшаб келаётган минг-минглаб юртдошларимизга чексиз эҳтиром белгисидир. Дарҳақиқат, она юртга қайтиш қўплаб мард, жасур фарзандларга насиб этмади. Шунинг учун ҳам халқимиз ўтганлар руҳи олдида ҳамиша бош эгади, таъзим қилади.

Мана, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг орадан 70 йил ўтибди. Аммо унинг оғир асоратлари, азобли хотиралари қалблардан ҳамон ўчгани йўқ. Бинобарин, жангтоҳларда жон олиб, жон берган кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу маънода нурунийларимизга юксак ғамхўрлик кўрсатилаётгани бежиз эмас. Маҳаллий ҳокимликлар, «Нуруний» жамғармаси, сиёсий партиялар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари фахрийлар хонадонига ташриф буюриб, уларга ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишмоқда. Бу ҳам бўлса, ўзбекона бағрикенглик нишонасидир. Зеро, ўз келажаги ишонган, миллий қадриятларини қадрлаган, нуруний отахон ва мўътабар онахонларини эъзозлаган халқ ҳеч қачон завол топмайди.

Соатмурод ҚҮЛМҲМРЗАЕВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Котибияти мудири:

Ўз келажаги ҳақида қайғурадиган ҳар қандай миллат юрт фарзандларининг жасоратларини тарих зарварақларига битиб, дориламон кунлар қадрига етган ҳолда тинчликчи авайлашга ҳаракат қилади. Акдодлар руҳини шод этиш эса халқимизнинг инсонпарварлик, одаимийлик каби ҳислатларини ўзида мужассам этган буюқ қадриятларидан биридир.

Ана шу мазмундаги фикр-мулоҳазалар Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида Мотамсаро она хайкали

пойига гулнамбар қўйғач, оммавий ахборот воситалари билан бўлган суҳбатда Президентимиз Ислон Каримов томонидан тилга олинди. «Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларнинг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади», деди давлатимиз раҳбари.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Юртбошимизнинг ана шу суҳбат давомида «...бу дунё ғанимат эканини эсимиздан чиқармасдан, бешафқат урушда қатнашган, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, умрини узайтириш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш — бундай эзгу ишлар барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз бўлиши шарт. Бу авало раҳбарларнинг, вазифада ўтирганларнинг бурчи эканини, улар фахрийлар билан тез-тез учрашиб туриши, иложи бори-ча уларнинг ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топиши, бундай амалий эътиборнинг аҳамиятини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур», деган фикрларига монанд ҳолда қатор тадбирларга бош-қош бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтishни истардим.

Бинобарин, Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси, партиянинг ҳудудий кенгашлари, депутатлар ва БПТлар томонидан бундан қарийб икки ҳафта аввал ўтказила бошланган учрашувлар, хайрия тадбирлари ҳозиргача давом этмоқда. Ушбу тадбирларда нурунийларимиз учун дастурхон ёзилиб, совға-саломлар улашлилпти.

Эътиборлиси, партия бу борадаги хайрли ишларни нафақат Кексаларни эъзозлаш йили мобайнида, балки ҳар доим амалга оширишни мақсад қилган.

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ййғилишида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этувчи бир қатор қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда муҳокама қилинди

Судга мурожаат қилишнинг электрон усули

Акбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr»

Фракция раҳбари Содиқжон Турдиев бошқарган ййғилишда дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

— Иккинчи ўқишга ҳавола этилаётган ушбу қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад-муддао судга мурожаат қилиш тизимини соддалаштириш, фуқаролик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни янада кенгрок жорий этиш, ҳудуде электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, шунингдек, ариза ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш тартибини янада такомиллаштиришдан иборатдир,

— дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Донёр Абдуқодиров. — Эътиборлиси, мазкур механизмни амалиётда қўллаш борасида фуқаролик ишлари бўйича Заңгиота туман судида иккбий тажриба тўпланган. Яъни, «Е-SUD» тизими муваффақиятли жорий этилган. У судга мурожаат қилиш тартиби ва қарор нусхалари, суд қажирув қозғалари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда манзилга жўнатишни ўз ичига олади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик процессуал қонунчилигида судлар фаолиятида замонавий электрон воситалардан фойдаланишга оид нормалар ўз ифодасини топмаган. Мисол учун, АҚШ, Австрия, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар тажрибасига назар солсак, ўзга манзарага гувоҳ бўламыз. Бошқача айтганда, фуқаролик суд иш юритишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали мазкур жараёнинг барча босқичлари-



ни босиб ўтиш имконияти яратилган. Бу эса даъво аризасини беришдан тортиб, электрон суд ишини давлат архивига сақлаш учун топширгунга қадар бўлган жараён шу зайлда кечади, дегани.

Ушбу тизим тўлиқ йўлга қўйилгач, судлар томонидан кўрсатилаётган қатор хизматлар интерфаол шаклга ўтади. Даъво аризаси ва илтимосномаларни ёзиш, фуқаролик ишлари бўйича судларга топшириш, судда кўриладиган кўни ва вақти ҳақидаги маълумотлар, ажримлар ҳамда суд ақтларини олиш билан боғлиқ жараён бевосита интернет орқали бажарилади. Фуқаролик ишлари материаллари билан танишиш, судлар ҳақида маълумот олишда ҳам шу тизимдан фойдаланилади. Табиийки, бундай қулайликларнинг жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, судлар фаолиятига замонавий АКТни жорий этиш фуқаролик судларида иш юритувини янада такомиллаштириш билан бирга суд чиқимларини камайтириш, судни унга хос бўлмаган функциялардан холи этишга ҳам хизмат қилади.

Ишчанлик руҳида ўтган мажлисда депутатлар қонунда акс этаётган бундай нормалар ишни қўрувчиларга ҳам, унда қатнашувчиларга ҳам ҳар то-

монлама қулайлик яратишини алоҳида эътироф этдилар. Бу эса O'zLiDePнинг Сайловодди платформасидаги вазифаларини амалга ошириш, яъни, партияимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларига ҳамоҳангдир. Зеро, партия суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришга мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг энг муҳим шарти сифатида қарайди.

Бундан ташқари, фракция ййғилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топил тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокамадан ўтказилди.

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққанлар ушбу қонун лойиҳаси орқали Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси ва яна бир қатор қонунларга ўзгартиш киритилиб, янги меъёрий талаблар билан тўлдирилаётгани, айрим нормалар эса қонунчиликдан чиқарилаётганини таъкидладилар.

Ййғилиш якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракция позицияси белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қояга чиққан чўққини кўзлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Носир ТОШЕВ, «XXI asr»

Мисол учун, дастлабки чорак мобайнида юртимиз ҳудудида 8000 дан ортиқ кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,2 фоизга кўндр. Янги ташкил этилган мулкчилик тузилмаларининг асосий қисми саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимиз ва халқимизнинг ҳаётини манфаатларидан келиб чиқиб, 2015 йилда кўзда тутилган Инвестиция дастури босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида ялпи қиймати 4,8 млрд. доллардан зиёд 53 та янги дастурий лойиҳа ижросини таъминлашга киришилди, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасида 434 та қўшимча ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Булар асосан тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш, мебелсозлик, нефть-кимё саноати ва бошқа соҳаларга тааллуқлидир. Яна бир муҳим далил. Жорий йил бошидан бери республикадаги 146 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди. Шу ҳисобдан 40 млн. АҚШ долларидан зиёдроқ 102 турдаги товарни экспорт қилиш ўзлаштирилди.

Сир эмас, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўл-

лаб-қувватлаш кун тартибида турган долзарб масалалардан биридир. Биринчи чорак давомида кичик ва ихчам ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун банклар томонидан 2,8 триллион сўм сармоя, жумладан, 59 млрд. сўмдан зиёдроқ микрокредитлар йўналтирилди. Бу 2014 йилнинг айни даврига нисбатан 1,3 баравар кўп, демакдир. Қолаверса, соҳа тараққиёти учун халқаро молия институтларининг 38,3 миллион доллар ҳажмидаги кредит линияси жалб этилди. Эндиликда улар пухта ўйланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Ободлик кўнгилдан бошланади, — дейди самарқандлик 102 ёшли отахон, уруш ва меҳнат фахрийси Н.Ҳожимамедов. — Замона шарофати билан халқимизнинг асрий оруз-истаклари рўёбга чиқмоқда. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган бир-биридан кўркам, маҳобатли иморатларни айтмайсизми! Кўриб, кўз қувнайди. Ошиштилашга қараганда, жорий йилнинг дастлабки чораги мобайнида ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан 53,9 млрд. сўм маблағ ажратилибди, 1,3 млн. квадрат-метр уй-жой, 169,2 километрли сув, 53,9 километр узунликдаги газ тармоқлари барпо этилибди. Шаҳарлар ва уларга тенглаштирилган ҳудудларда олиб борилаётган

кенг қамровли қурилиш-ободончилик ишларини гапирмай қўя қолайлик. Ана шундай тинч, дориламон кунларни кўриш насиб этгани учун Яратганга минг қатла шукр!

Дарҳақиқат, бугун барча соҳада чуқурлашиб бораётган ислохотлар муҳиятан юрт ва миллат манфаатларига йўналтирилганлиги билан бетимсолдир. Зеро бахт ҳам, маъмурчилик ҳам ҳалол меҳнат орқасидан келади. Бу борада шубҳага асло ўрин бўлмаслиги лозим. Жаммики моддий ва маънавий бўйлиқларнинг бош меъмори — инсон. Эркин, демократик жамиятимизда инсон омили ҳақида ҳар қачонгидан-да катта ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция климини ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилганлиги барчамизга яхши маълум. Фармондан келиб чиқилиб, жорий йилнинг биринчи чорагида 141 мингдан зиёд, жумладан, қишлоқ ҳудудларида 90 мингга яқин қўшимча иш ўрни барпо этилди. Бунинг асосий қисми тўқимачилик, чарм-полабазал,

озиқ-овқат ва қурилиш соҳаларига тегишлидир. 2014-2015 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 461,1 минг нафари мутасадди корхона ва ташкилотларга бириктирилди. Яъни улар учун ҳам муҳим иш жойлари тайин. Зеро ёш авлодга эътибор — келажакка эътибор, демакдир.

... Мана, биринчи доvon забт этилди. Эришилган натижалар шуни кўрсатадики, жаҳон миқёсида молиявий инқироз ва қарама-қаршилиқлар қучайиб бораётган бир шароитда халқаро майдонда «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган, машҳур беш тамойилга асосланган истиқболли стратегия йўли мамлакатимизда макрокўиктисодий барқарорлиқни таъминлаш, ишлаб чиқариш суръатларини босқичма-босқич ошириш имконини бермоқда. Лекин бу хотиржамлик учун асос бўлолмайди. Чунки доvon ортида янги доvonлар бор. Қояга чиққан чўққини кўзлайди. Бир жамиятда яшаб туриб, ундан ташқарида бўлиш асло мумкин эмас. Демокўимизки, ижтимоий-иқтисодий соҳада белгиланган навбатдаги вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўиш сизу биз — барчамизнинг эл-юрт олдидаги муҳим фуқаролик ва фарзандлик бурчимиздир. Ана шунда муқаддас ниятлар ушалиб, ҳаётимиз янада теранроқ қисми тўқимачилик, чарм-полабазал,



Маълумки, «Ветеринария тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки даврида — 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсади ҳайвонларни юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш, аҳолининг сифатли чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни ҳайвонлар ва инсонлар учун умумий бўлган касалликлардан асраш, бошқа давлатлардан кириб келиш хавфи бўлган юқумли касалликлардан ҳимоялаш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини бартараф этишдан иборатдир.

— Қабул қилинаётган қонунлар қанчалик нишанг-пунта бўл-

са, унинг таъсирчанлиги шунчалик ошади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Азамат Қобулов. — Бугунги давра суҳбати замирида ҳам ана шу мақсад мужассам. Яъни янги тахрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳозирги ислохотлар талабига мослаштирилиб, қатор нормалар билан бойитилмоқда. Шу билан бирга тегишли органларнинг ваколатларини белгилловчи моддалар киритилляпти. Энг асосийси, хусусий ветеринария хизматларига янада кенгрок ваколат берилиши назарда тутилаётир. Қолаверса, қонунда ҳайвон эгаларининг мажбуриятлари ҳамда эпизотик тадбирларни амалга оши-

ришда давлат ва хусусий ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш масалалари ўз аксини топмоқда. Бу эса партиянинг чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган дастурий мақсадларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Давра суҳбатида соҳада эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам тилга олинди. Жумладан, ветеринарияда қўланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг тартибга солувчи меъёрлар, савдо объектларида гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлашда давлат ветеринария назоратининг фаолияти таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Билдирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Маълумки, Президентимиз Ислom Каримов O`zLiDePнинг VII Съездидaги маърузасидa партиянинг ўз олдигa кўйган кенг қaмровли мақсад ва вaзифaларигa, амaлий тaшaббус вa ҳaрaкaтлaригa, эл-юрт фaровонлигини янaдa ошириш йўлидaги дaдил сaъй-ҳaрaкaтлaригa муносиб бaҳo берди. Тaн олиш жоиз: бу муҳим мaррaлaр партиянинг тегишли бўғинлaри билaн хaлқ депутатлaри мaҳaллий кeнгaшлaрининг ҳар жиҳaтдaн истиқбoлли ҳaмкoрлиги нaтижасидa эгaллaнди. Шундaй экaн, aнa шу oбруъ-эътиборни сaқлaб қoлиш учун ҳaмкoрликни янaдa тaкoмиллaштириш, мaзкур йўнaлишдaги иш услублaригa шижoaт бaхш этиш, янги тaжрибaлaрни oммaлaштириш зaрур.

ЕТАКЧИЛИК МАВЁЕИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ КЕРАК

Урганчда халқ депутат-лари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳла-ри аъзолари, электротат ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган ама-лий семинар айнан ана шу масалалар муҳокамасига бағишланди.

Тадбир давомида асосий эътибор партиядан сайлан-ган депутатларнинг ўз сай-ловчилари олдидаги масъу-лиги ва вақтида ҳисоб бериб боришни таъминлаш, депу-татлик гуруҳлари фаолияти-ни режали равишда ташкил этиш, депутатлик назорати-нинг барча шакл ва усуллари-дан самарали фойдаланиш, истиқболли лойиҳалар ижро-си устидан назоратни кучай-тиришда партия органлари ва депутатларнинг ўзарo ҳам-корлигини таъминлашга қара-тилди.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик па-латаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова, Ғуқаролик жамияти шаклланишини мо-ниторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлинимаси масъул ходими Темур Жуманиёзов, O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Урганч давлат университети

профессори Бахтиёр Рўме-тов ва бошқалар Ўзбекистон Либерал-демократик парти-ясининг 2015-2019 йиллар-га мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури бажарилишида депутатлик корпусининг ўрни бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини бил-дирдилар.

Анжуманда бугун пар-тиядан парламент куйи па-латасига сайланган икки нафар, вилоят кенгашига сайланган 22 нафар, Урганч шаҳар ва туман кенгашла-рига сайланган 114 нафар депутат фаолият кўрсатаёт-гани, уларнинг асосий қисми ўз ваколатларини тўлақонли амалга ошираётган бўлса-да, айрим депутатларнинг иши су-ст эканлиги, уларда ама-лий ташаббус етишмаслиги, электротат билан алоқа изчил амалга оширилмагани жид-дий танқид қилинди.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган худди шундай семинар-да халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашла-рига O`zLiDePдан сайланган депутатлар, ҳудудий партия кенгашлари масъул ходимла-ри, бошлангич ташкилотлар етакчилари, оммавий ахбо-рот воситалари вакиллари иштирок этди.

Амалий семинарда сўз-

га чиққан O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Олимжон Соибназаров, вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси де-путати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ойбек Жумаев ўтган йилнинг декабрида парла-мент куйи палатаси ва маҳал-лий кенгашларга ўтказилган сайловда O`zLiDeP энг кўп депутатлик ўрнини эгалла-гани, сайловчиларнинг маз-кур партиядан кўрсатилган номзодларга катта ишонч билдиргани депутатлик гу-руҳларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, улар-нинг жамиятда юз бераётган ўзгариш ва янгиланиш жара-ёнларида фаол иштирокини таъминлашга эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун ҳудудларда таъсирчан назоратни ўрнатиш лозим-лиги ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

O`zLiDeP Сиёсий Кенга-ши Ижроия кўмитаси масъул ходими Адҳамжон Хусей-новнинг «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари вако-латларини амалга ошириш-нинг йўллари ва усуллари», Ғуқаролик жамияти шаклла-нишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхон-дарё вилояти ҳудудий бўли-

ми етакчи мутахассиси Акбар Каримовнинг «Депутатлар-нинг ўз сайлов округларидаги ишшни тизимли ташкил этиш» мавзуйидаги маърузалари тадбир қатнашчиларида кат-та қизиқиш уйғотди.

Семинар қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, амалий машғулотларда соҳага оид билим ва кўникмаларини на-мойиш этдилар.

O`zLiDeP Сиёсий Кен-гаши Ижроия кўмитаси қа-рорига мувофиқ, партиядан сайланган депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, депутатлик гуруҳлари фаоли-ятини режали ташкил этиш, партия органлари ва депутат-ларнинг ўзарo ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Ну-кусда ўтказилган семинарда ҳам амалдаги қонунлар ва Давлат дастурлари, Ўзбеки-стон Республикаси Прези-денти фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, ҳудуд-ларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурла-рига қиритилган вазифалар ижроси устидан депутатлик назорат-таҳлил фаолияти, эшитувларини ташкил этиш депутатлик гуруҳлари олди-даги устувор вазифалардан бири экани таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчи-

лик палатаси, Қорақалпоғи-стон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгаши де-путатлари, партиянинг ма-съул ходимлари, БПТлар етакчилари, ҳамкор ташки-лотлар ва ОАВ вакиллари қатнашган тадбир давомида иштирокчилар учта гуруҳга бўлинган ҳолда депутатлик назорат-таҳлил фаолияти-ни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг яқунларини депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама қилиш, ижро ҳокимияти идо-раси раҳбарининг ҳисоботини эшитиш, мавжуд муаммолар бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш, қонун ижодкорлиги фаолиятида БПТдан тортиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракци-яси ўртасидаги ўзарo ҳамкор-ликни кенг йўлга қўйиш юза-сидан амалий машғулотлар олиб бордилар.

Тадбир якунида партия сафига янги қабул қилинган аъзоларга гувоҳномалар тан-танали тарзда топширилди.

Жиззахда ташкил этил-ган амалий семинарда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси вакила-ри, Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси депутатлари, шунингдек, халқ депутат-лари вилоят кенгашига

O`zLiDePдан сайланган 25 нафар, туман (шаҳар) кен-гашларига сайланган 111 на-фар депутат, ҳудуддаги БПТ раислари, жами 185 нафар партия аъзоси қатнашди.

Тадбирда даставвал O`zLiDePнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини бажаришда де-путатлик корпусининг ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилган бўлса, ундан сўнг партия электротати муаммоларини аниқлаш тартиблари, ҳуду-дий ривожланишни таъмин-лашда депутатлик гуруҳлари ва партия кенгашларининг ҳамкорлиги хусусида сўз юритилди.

Энг муҳими, қатнашчи-лар семинар доирасида ўт-казилган машғулотлар да-вомида кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда депутатлик гуруҳлари режаларига қири-тилган назорат фаолиятини амалга ошириш усуллари, ижро ҳокимияти идорала-ри раҳбарларининг ҳисобот ёки ахборотларини эши-тиш, муҳокама этиш, аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни халқ депутатла-ри кенгашларига қиритиш, депутатлик сўрови юбориш каби масалаларни муҳокама этдилар.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Изланишга чорловчи танлов

«Ташаббус-2015» кўрик-танловининг Андижон вилоят босқичида иштирок этган 46 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ташриф буюрган меҳмонлар эътиборига турли хилдаги саноат маҳсулотлари, қишлоқ ҳўжалиги неъматлари, қўл меҳнати билан яратилган халқ амалий санъати намуналарини ҳавола қилдилар. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар бугунги кунда вилоятда 23 мингдан зиёд хусусий бизнес субъекти фаолият кўрсатаётгани, жорий йилнинг уч ойида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида 194 млрд. 800 млн. сўмлик кредит ажратилгани натижасида мазкур соҳанинг ўзида 12 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани, бундай муваффақиятларга мулкдорлар синфи учун яратилаётган имкониятлар туфайли эришилаётгани айтиб ўтилди.

Ҳайъат аъзолари хулосаларига кўра, «Фусункор» МЧЖ раҳбари Улугбек Сидиков «Энг яхши тадбиркор» номинацияси голиби деб топилган бўлса, избосканлик уста Йўлбарсали Утаганов «Энг яхши хунарманда», O`zLiDeP аъзоси, Бўз туманидаги «Ферузбек Қодиров» фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳодир Қодиров «Энг яхши фермер» йўналишлари бўйича биринчи ўринни кўлга қиритдилар. Элмира РАҲМОНОВА.

Бизнес вакиллари кўриги

Бухоро шаҳридаги «Семурғ» спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва «Хунарманд» уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов давомида тадбиркор, фермер ва хунармандлар ҳакамлар ҳайъати эътиборига саноат моллари, технологик ускуналар, кийим-кечак, чармдан тикилган пўстин ва пойабзаллар, қишлоқ ҳўжалик ноз-неъматлари, зардўзлик либослар, кашталар, ёғоч ўймакорлиги буюмларини ҳавола этдилар.

«Йилнинг энг яхши фермери» йўналишида Жондор туманидаги кўп тармоқли «Бўстон Назар» фермер ҳўжалиги раҳбари, пахтачилик, галлачилик ва чорвачиликда ибратли натижаларга эришадиган Назар Ҳожиев биринчи ўринни эгаллади. «Левада-Бухоро» хусусий корхонаси раҳбари Илҳом Сайфиев «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида, воҳа хунармандчилик мактаби анъаналарини давом эттириб келаётган Бухоро туманилик Акмал Мўхиддинов эса «Йилнинг энг яхши хунарманда» йўналишида голибликка муносиб топилди.

Тадбирда, шунингдек, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиб», «Энг яхши экспортчи» сингари қатор номинацияларнинг пешқадамлари аниқланди ва тақдирланди. Жумладан, жорий йилда илк марта таъсис этилган «Кекса тадбиркор — «Ташаббус» эъзозида» номинациясида вобектлик таниқли кулол, табаркур ёшдаги онахонлардан бири — Куборо Бобоева муваффақият қозонди.

Асхор ИСТАМОВ.

Навбат — республикда босқичига

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичида ҳам турли маҳсулотлар ишлаб қираётган хусусий сектор вакиллари юртимизда улар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити туфайли эришилган ютуқларини намоиш этдилар. Тадбирга ташриф буюрганлар эътиборини, айниқса, миллий анъаналар асосида яратилган зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги намуналари, махсус иш кийимлари, мебель ва гиламлар, қурилиш маҳсулотлари, пойабзаллар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ўзига тортди.

Кўрик-танлов яқунларига кўра, «Энг яхши тадбиркор» номинациясида голибликни Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган «Зарафшон текстиль» МЧЖ раиси Сўхроб Насридинов кўлга қиритди. «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича биринчи ўрин Самарқанд туманидан «Аъзам Азамат Агро» фермер ҳўжалигига насиб этган бўлса, «Энг яхши хунарманд» номинациясида республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи ёғоч ўймаkori Мансур Асадовга берилди.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

Хизматга яраша иззат

«Ташаббус-2015» кўрик-танловининг ҳудудий босқичида иштирок этган Сирдарё вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш мақсадида ўтказиб келинаётган танлов қатнашчилари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати мажон андозалари даражасидан қoлишaётгани боис голибларни аниқлаш осон бўлмаганини таъкидлади. Оқoлтин туманидаги «Сардоба текстиль» МЧЖ раҳбари Тoлибжoн Раҳимoв «Энг яхши тадбиркор», Гулистoн туманидаги «Орoл неъмaтлари» фермер ҳўжалиги раиси Баҳoдир Бегмaтов «Энг яхши фермер», oқoлтинлик ёш хунарманд Маҳлиё Мaмaрoзoвичeвa эса «Энг яхши хунарманд» йўналишида голиб бўлди. — Фермер ҳўжалигини 1998 йилда тaшкил этилган, — дейди танлов голибларидан бири, O`zLiDeP аъзоси Б.Бегмaтов, — Бир неча йил аввал фаoлиятимиз кўламини кенгайтириб, чoрвaчиликка асос coлгaндик. Айни пaйтда тaсaрyффимизда 600 бошга яқин қoрaмoл мaвжyд. Ўтган йилнинг ўзидa иcтeъмoлчиларга арзoн нархларда 12 тoннaгa яқин гўшт, қaрийoб 30 тoннa сyт маҳсулoтлари eткaзиб берилди. Энди ҳўжалигимизда eтиштирилaётган сархил мeвa-сaбзaвoтларни қaйтa ишлaшни рeжaлaштирaяпмиз.

Дилoрa ЗCOHOBa.

Тажриба мактаби

Қарши шаҳрида Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. — Гилан тўқиш сирларини устозим Салтанат Кўлдошевадан ўрганганман, — дейди «Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналиши голиби, Чирочик туманидаги Араббанди қишлоғида кўп асприк гиламчилик мактабинин давом эттиришга ҳаракат қилаётган Азиза Шарипова. — Қишлоғимизда 150 дан ортиқ хонадон гиламчилик билан шуғулланади. Кейинги вақтда эътиборни молларимиздан мерос бўлиб қолган қиз гилам, қаттиқ гилам, терма, холи, жулгурс, бугжама, ёйма каби қадимий турларни қайта тиклашга қаратапмиз. Китоб туманидаги «Воҳа машъали» қурилиш корхонаси раҳбари Санжар Ганиев «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналишида биринчи ўринни кўлга қиритган бўлса, «Йилнинг энг яхши фермери» номинацияси бўйича голиблик Нишон туманидаги «Сайдалиев Мухриддин» фермер ҳўжалиги раиси Сайдали Турсуновга насиб этди. Мазкур танловда яна ўнга яқин номинация бўйича голиблар тақдирланди. Хусусан, китоблик хунарманд қиз Мафтуна Солиева O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан эълон қилинган «Менинг юртим — менинг ифтихорим» номинацияси голиби деб топилди.

Сайфулла ИКРОМОВ.

Салоҳиятингизни намоён этинг

O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан Урганч шаҳрида «Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари: маҳаллий ва хорижий тажриба» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партия фаоллари, ишбилармон аёллар ва уй бекалари иштирок этишди. Семинар давомида «Хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрни ва ролини ошириш», «Кредит турлари ҳамда банк кредит сиёсати», «Оилавий корхонани ташкил этиш» сингари мавзуларда маърузалар тингиланди. Аёллар ўртасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, опа-сингилларимизнинг турли соҳаларда ўз салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилгани таъкидланди. — Ўтган йили «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилaga» лойиҳаси доирасида 12 нафар аёл имтиёзли кредит олишга муяссар бўлди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари М.Юлдошева. — Натижада 40 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда партиямиз томонидан аёлларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, коллежни битираётган қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида қатор амалий ишлар қилинаётир. Тадбирда эришилган ютуқлар эътироф этилиши баробарида соҳада учраб турган баъзи муаммолар, тўсиқлар, уларни бартараф этиш чоралари атрофлича муҳокама этилди. Дилноза НОМЗОБОВА.

Истиқболли лойиҳалар самараси

Ангрен – Тошкент вилоятининг саноат ривожланган ҳудудларидан бири. Айниқса, Президентимиз қарори билан бу ерда эркин иқтисодий ҳудуднинг ташкил этилиши нафақат шаҳар, балки вилоят иқтисодиёти ривожида ҳам муҳим омил бўлди

Зиёдулла МҲМИНОВ, «XXI as»	
	
Эътиборли жиҳати, ҳозир Ангренда йирик саноат кор-хоналари билан бир қаторда тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарила-ётган маҳсулотлар бозор та-лабларига тўла жавоб бергани боис хорижий давлатларда ҳам харидоргир бўлмоқда. Бугунги кунда шаҳарда 500 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фао-лият юритаппти. Таҳлиллар эса Ангренда сўнгги йилларда ишбилармонлар орасида хо-тин-қизларнинг сони ортиб бо-раётганини кўрсатмоқда. Улар-нинг аксариятини O`zLiDeP аъзолари ташкил этади.	
— Ана шулардан бири «Устоз-шогирд» хусусий корхо-наси раҳбари Шоҳиста Мад-ёровадир, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Аёл-ларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеи-ни ошириш бўлими бошлиғи Муяссар Жамолиддинова. — Шоҳистахон раҳбарлигидаги ўқув марказида ўтган йиллар мобайнида мингдан ортиқ хо-тин-қиз турли йўналишлар бўй-ича касб-хунар эгаси бўлишди. Кўплаб ёшлар бугунги кунда ўз бизнесини йўлга қўйган ҳолда янги иш ўринлари яратиша-япти. Партия томонидан ишлаб чиқилган ва қисқа муддатда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳу-дудида ўзининг салмоқли са-марасини берган — «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилaga» лойиҳасида ўтган йили вилоятимиздан қатнашган 38 нафар хотин-қиз ва касб-ху-нар коллежларининг 12 нафар	

битирувчиси тижорат банкла-ридан жами 225 миллион 500 минг сўм кредит олишга эриш-дилар. Натижада 160 га яқин янги иш ўрни яратилди. Ана шунинг ўзи ҳам Ўзбекистонда O`zLiDeP электротати бўлган тадбиркорлар қўллаб-қувватла-наётганидан далолатдир.

— Корхонамизни ташкил этганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди Шоҳиста Ма-дйёрова. — Бирор масалада кийналсам, O`zLiDeP фаолла-ри, яъни тажрибали тадбир-корларга мурожаат қиламан. Чунки улар ҳам мен каби пар-тия аъзолари, маслақдошла-римиз-да. Бугунги кунда кол-лежни тугатган 10 нафардан ортиқ тенгдошим мустақил равишда ўз бизнесини ташкил этиб. Улар ўз фаолиятини ри-вожлантириш, янги маҳсулот, хизмат кўрсатишни йўлга қўй-иш борасида мен билан ҳам маслаҳатлашишади. Бу яхши, албатта. Чунки сафимиз кен-гаймоқда. Аҳоли, айниқса, уйда ўтирган хотин-қизлар иш билан банд бўлаяпти. Оила-вий тадбиркорликни ташкил этиб, рўзгорини эплаётган, оила даромадига даромад қўшаётганлар сони ортиб бо-раяпти. Партиямизнинг «Ои-лавий тадбиркорликдан — му-стаҳкам оилaga» лойиҳаси э-са бунда кўмакчи бўлаяпти.

Мамлакатимизда кичик биз-нес ва оилавий тадбиркорлик-ни ривожлантириш, ишбилар-монларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар хусуси-да O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда партия Тошкент вилоят кенгаши томо-нидан «Оилавий тадбиркор-

содий жиҳатдан асослаб бе-ришга ўргатишдан иборатдир. Шу мақсадда республикамиз миқёсида 102 та ўқув-семинар ва давра суҳбати ташкил эти-либ, уларда 3601 нафар хо-тин-қиз иштирок этди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палата-сидаги O`zLiDeP фракцияси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ва етакчи тижорат банклари билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда. Қувонарлиси, лойиҳа туфайли жойларда янги тадбиркорлар кашф этилди, уларга молия му-аассасаларидан ўз фаолиятини бошлашлари учун имтиёзли кредитлар олиб бериш орқали янги иш ўринлари яратилди. Биз фақат йирик шаҳарлардаги хотин-қизлардангина уddaбo-рон тадбиркорлар чиқади, деб ўрганиб қолгандик. Бироқ Тош-кент вилоятининг Олмалик ва Ангрен шаҳарларида лойиҳа доирасида ўтказилган тадбир-

Туман босқичи голиблари аниқланди	
Чимбойда «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилaga» партиявий лойиҳасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Лойиҳани ўтказишдан асосий мақсад хотин-қизларимиз орасида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда йўл-йўриқлар беришдан иборат. Туман босқичида 19 нафар аёл ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, 2 нафари Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланма олди. — Танловда қатнашишдан асосий мақсадим иш фаолиятимни кенгайтириш орқали кўшимча иш ўринлари яратиш, — дейди танлов голиби Р. Измагамбетова. — Ҳозир қандолатчилик цехимда 8 нафар кишининг бандлиги таъминланган. Энди маийш хизмат кўрсатиш шохбoчаси oчмoқчимaн. Тадбирда сўзга чиққан O`zLiDeP фаоллари юртимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёлларнинг ўз ўрни борлигини алоҳида эътироф этишди. Мутасадди раҳбарлар иштирокчиларни қизитирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.	
Ўз муҳбиримиз.	

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Эришилган натижалар — чегара эмас

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган навбатдаги сайлов мамлакатимизда демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётганини яна бир карра намоён этди. Ушбу сайловда Бухоро вилояти бўйича партиямиз ҳудудий ва маҳаллий кенгашларда 162 та депутатлик ўрнини эгаллади. Жами депутатларнинг 27 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бу эса уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётганидан далолатдир

Носир ТОШЕВ,
Асхор ИСТАМОВ,
 «XXI asr»

Янги сайланган депутатлар зиммасида ОʻzLiDePнинг дастурий мақсадлари, Сайловдди платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари қарорларининг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли идора ва мансабдор шахсларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан сўровлар билан чиқиш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш, маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига долзарб масалаларни киритиш ва депутатлик назоратини олиб боришдек юксак масъулият турибди.

Шу боисдан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган 2014 йилги иш натижалари ҳам фикримизга мисол бўла олади. Жумладан, йил давомида вилоят бўйича партия депутатлик гуруҳлари томонидан турли масалалар бўйича 41 та назорат-таҳлил иши амалга оширилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли истиқомат жойларида тоза ичимлик суви таъминоти, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, ўрта махсус таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиялари кун тартибига 27 та тақлиф киритилган, 418 та депутатлик сўрови юборилган.

Бу ўринда Ёғижувон, Когон, Бухоро туманлари ҳамда Бу-

хоро шахри кенгашларидаги ОʻzLiDeP депутатлик гуруҳларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар ҳар бир масалага ҳозиржавоблик билан ёндашиб, омма ишончи ва эътиборини қозонишмоқда. Халқ депутатлари Бухоро туман кенгашидаги ОʻzLiDeP депутатлик гуруҳи саъй-ҳаракати билан ҳар ойнинг маълум санасида жамоатчилик қабули ташкил этилган. Ундан кўзда тутилган асосий мақсад партия электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборатдир. Навбатдаги сайловда Фармон Аминов, Раҳима Атоева, Тоҳир Бахронов, Азим Латипов, Насиба Йўл-

рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан кўплаб ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шу асосда Олот, Қорақўл, Шофиркон ва Пешку туманларида давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан

ҒИЖДУВОН, КОГОН, БУХОРО ТУМАНЛАРИ ҲАМДА БУХОРО ШАҲРИ КЕНГАШЛАРИДАГИ О`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. УЛАР ҲАР БИР МАСАЛАГА ҲОЗИРЖАВОБЛИК БИЛАН ЁНДАШИБ, ОММА ИШОНЧИ ВА ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШМОҚДА.

дошева, Ўлмас Раҳматов, Саид Раҳмонов, Замира Сафарова ва бошқа маслақдошларга юксак ишонч билдирилиб, улар депутатликка қайта сайланганлиги бежиз эмас.

Жорий йилда ҳам депутатлик гуруҳлари олдида муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш, ижро ҳоқимияти, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг эшитувини ташкил этиш, депутатлик сўровини қилиш йўлга қўйиш ана шулар жумласидандир. Хусусан, вилоят миқёсида Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида

келиб чиқилиб, фермерлик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, мулкчилик ҳўжалиklarининг эркинлигини тўла таъминлаш, уларнинг бошқарув идоралари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш билан боғлиқ ишларга катта аҳамият қаратилди. Депутатлик гуруҳлари томонидан йил давомида вилоят ҳоқими ўринбосарлари, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, соғлиқни сақлаш, солиқ, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботларини эшитиб бориш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасининг

«ОʻzLiDeP ҳудудий тузилмалари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан 2015 йилда озиқ-овқат таъминоти соҳасида амалга ошириладиган янги инвестиция лойиҳалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш дастури устидан партиявий ва депутатлик назоратини олиб бориш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳам доимий диққат-эътиборда бўлади. Белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун депутатлик назоратини қатъий йўлга қўйиш, бу борада депутатлик гуруҳлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, назорат-таҳлил жараёнини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

— Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ОʻzLiDeP депутатлик гуруҳида 20 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида 142 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ОʻzLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қахрамони, сенатор Азим Латипов. — Улар партия ғояларига содиқ, фидойи сафдошларимиздир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқ ишончини қозонган, депутат деган юксак номга сазовор бўлган эканмиз, шунга муносиб иш тутишимиз, юрт фаровонлиги йўлида куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим. Бинобарин, ОʻzLiDeP-нинг ғоя ва мақсадлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, ислохотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш биринчи даражали партиявий бурчимиз бўлиб қолаверади.



Мулоқот куй-қўшиқларга уланди

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан туман ҳоқимлиги, ОʻzLiDeP Бектемир туман кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида тадбир ўтказилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, туман ҳоқими Сарвар Маҳаметов уруш қатнашчилари, фронт ортда меҳнат қилган фаҳрийлари байрам билан табриклади. ОʻzLiDeP Бектемир туман кенгаши фаоли, «BERK» МЧЖ раҳбари Фурқат Қаландаров турфа совғалар тақдим этди. Тадбирда, шунингдек, ОʻzLiDeP туман кенгаши раисининг аёллар масаласи бўйича ўринбосари, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси мудираси Кўндуз Сайдалиева, туман халқ таълими бўлими мудир Шўхрат Мавлонов, ОʻzLiDeP Бектемир туман кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Малика Юлдашова фаҳрийлар ҳаимиша давлатимиз эътиборида экани хусусида сўз юритишди. Байрам тадбири кўтаринки руҳда, куй ва қўшиқлар билан давом этди.

РМаматхонов, ОʻzLiDeP Бектемир туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Кегейлилик бобо шукронаси

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқ депутатлари Кегейли туман кенгашидаги ОʻzLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари «Жўзимбоғ» овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қудайберган ота Рамбердиев хонадонига таширф буюрдилар. — 1941-1945 йиллар давомида фронтга Кегейлидан 4800 нафар эр-йигит жўнатилган бўлса, бугунги кунда уларнинг 5 нафари умргузаронлик қилмоқда, — дейди туман кенгаши депутати Б. Искандаров. — Бу отахонларга қанча ҳурмат ва эътибор кўрсатсак шунча ози. — Урушда разведкачи бўлиб хизмат қилганман, — дейди 91 ёшли Қудайберди ота. — Қадрдон қишлоғимга қайтиб келганимдан сўнг оила кўрдим. Турмуш ўртоғим билан бир ўғил ва уч қиз тарбияладик. Айни кунда 14 невара ва тўрт чеваранинг меҳрибон бобоси сифатида қарилик гаштини суриб ўтирибман. Ҳар куни шундай тинч, осмони мусаффо юр்தа яшаётганимизга шукроналар айтаман. Биз — кексаларни йўқлаб, қувватлаб турган Президентимизга минг раҳмат.

ОʻzLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилмоқда

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини ошириш, жамоат ишларидаги иштирокини кенгайтириш устувор йўналишлардан биридир

Буни хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, фармонлар ва қарорларда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сиёсий партиялардан номзодлар кўрсатишда депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши белгилаб қўйилгани аёлларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром намунасидир.

Қашқадарё вилоятида 14269 нафар ОʻzLiDeP аъзосининг 4181 нафари хотин-қизлардан иборат бўлиб, улардан 1083 нафари тадбиркор, 56 нафари фермер, 195 нафари БПТ раисидир. Ўтган йили бўлиб ўтган сайловда улардан бир нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, икки нафари халқ депутатлари вилоят, саккиз нафари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайланди.

Бу катта куч экани улар томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, оммавий тадбирларда яққол намоён бўлаётир. Масалан, «Соғлом оила — соғлом жамият, кучли ва барқарор мамлакат асоси» мавзuidaги тарғибот-ташвиқот тадбирлари ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, Мазкур коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда маҳалланинг ролини кучайтириш, болалар ва ўсимларни турли тўғарақларга

жалб этиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги «Ота-оналар университети» фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган бўлса, «Соғлом оила — мустаҳкам оила» номли лойиҳа доирасида оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом миллат генофондини асрашга кўмаклашиш, хотин-қизларнинг тиббий саводхон-

қуриқдан ўтказилди.

Партиявий лойиҳаларимиздан яна бири — «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида хотин-қизларни хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначиликка йўналтириш орқали оилавий бизнесни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшилди. 12 нафар хотин-қизга тижорат банкларидан 650 млн. 250 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашилди. Лойиҳа ғолибларидан бири — «Яхши ният кафолат» МЧЖ раҳбари Юлдуз Қодирова 100 млн. сўм миқдордаги имтиёзли кредит эвазига маиший хизмат

ВИЛОЯТДА 14269 НАФАР О`ZLIDEP АЪЗОСИНИНГ 4181 НАФАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, УЛАРДАН 1083 НАФАРИ ТАДБИРКОР, 56 НАФАРИ ФЕРМЕР, 195 НАФАРИ БПТ РАИСИДИР.

лигини ошириш, чекка ҳудудларда яшаётган қизларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш, аёл мураббийларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан кенг кўламли тарғибот-турунтийриш ишлари олиб борилди. Балоғатга етмаган қизлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги нибот-ташвиқот тадбирлари ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, Мазкур коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда маҳалланинг ролини кучайтириш, болалар ва ўсимларни турли тўғарақларга

кўрсатувчи шохобчалар очиб, 10 та янги иш ўрни яратди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ОʻzLiDePнинг партиявий лойиҳалари аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш баробарида аҳоли турмуш тарзини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Гулбаҳор ТўРАЕВА,
ОʻzLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир.

«XXI ASR» 20 (600)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА КАТТА ҲУРМАТ ВА ОБРЎГА ЭГА ТУРЛИ ИЖТИМОЙ ГУРУҲ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН АЛОҚА ЎРНАТАДИ, УЛАР БИЛАН ДОИМИЙ УЧРАШУВЛАР УЮШТИРИБ, ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ЎРГАНАДИ ВА ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШАДИ, ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИДА УЛАРГА ТАЯНАДИ. ШУНИНГДЕК, АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ — ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, МУЛҚДОРЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙЎЛГА ҚўЯДИ».

О‘zLiDeP Уставидан.

Банкдаги муҳокама

АТ «Агробанк»нинг Жиззах шаҳри филиалида фаолият юритаётган бошланғич ташкилот ташаббуси билан «Тадбиркорлик субъектларининг давлат тузилмалари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлиги: айрим масалалар ва уларнинг ечимлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. О‘ zLiDeP шаҳар кенгаши масъул ходимлари, тадбиркорлар, депутатлар, БПТ фаоллари — жами 40 дан зиёд киши иштирок этган тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб бораётганлиги қайд этилди.

Йиғилишда ҳудуддаги тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажмини янада ошириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Масъулият фаолликка ундамоқда

Президентимизнинг «2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ер эгалари манфаатларини ифодалашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мантиқий давоми сифатида юртимизда фермерлик ҳаракатини янги bosқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. О‘ zLiDeP ҳам ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган. Чунки қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаш, фермер ҳўжаликлари учун зарур инфратузилманинг янада ривожланишига кўмаклашиш партиянинг устувор вазифалари сирасига киради.

Қўшқўпир туманидаги «Хонобод» ҚФЙ ҳудудида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотда ташкил этилган давра суҳбатида ана шундай фикрлар билдирилди.

Тадбирда, шунингдек, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ўзаро тажриба алмашдилар. Мулоқотда замин соҳибларининг билим-малакаларини ошириш, бухгалтерия ҳисоботларини юритиш, бизнес-режалар тузиб, кредит олишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

БПТ ва депутат ҳамкорлигининг афзалликлари

Депутатлик гуруҳлари аъзоларининг билим ва савияси, ҳуқуқий саводхонлигини узлуксиз ошириб бориш партия мавқеи мустаҳкамланиши, сиёсий кучнинг дастурий мақсадлари рўёбга чиқишида алоҳида аҳамият касб этади. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда ўтказилган семинар-тренинг ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди

Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят кенгашида О‘zLiDeP-дан сайланган 25 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида эса 111 нафар депутат фаолият юритмоқда. Улар иштирокида жорий йилда 29 маротаба депутатлик эшитувни ташкил этилганини қайд этиш зарур. Депутатлик назоратининг мазкур шакли орқали ҳудудда қўлай инвестициявий муҳит яратиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳолати, тупроқ унумдорлигини ошириш юзасидан бажарилаётган чора-тадбирлар ва бу жараёнда замонавий агро-технологияларни жорий этишнинг аҳволи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш истигидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг бизнес-режаларини кредитлаш бўйича тижорат банклари томонидан олиб борилаётган ишлар ва бошқа долзарб масала-

лар кўриб чиқилди.

Семинар-тренингда кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш орқали депутатлик гуруҳлари аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатларига оид масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашинилди. — Бугунги кунда депутат сайловчилар муурожаатларини кўтиб ўтирмай, жойлардаги электорат манфаатлари, ҳудуд ривожланишига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга масалаларни кўтариб чиқиши, уларнинг ечими юзасидан аниқ таклифларни илгари суриши мақсадга мувофиқ, — дейди халқ депутатлари Пахтакор туман кенгаши депутати Шамсиддин Каримов. — Биз жойларда депутатлик назоратини амалга ошириш механизмларидан унумли фойдаланишимиз тақозо этилмоқда.

О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга

Астойдил саъй-ҳаракат маҳсули

Қўйи бўғинларга депутатларнинг бириктирилиши ва улар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг изчил йўлга қўйилиши Яккабоғ туманида ҳам ижобий натижалар бермоқда

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

«Ўзбекгеофизика» АЖнинг «Яккабоғ геофизика экспедицияси» филиалидаги бошланғич ташкилот тумандаги йирик БПТлар сирасига киради. Яқинда қўйи тузилмага Дотқуш, Ўз, Шов қишлоқларида яшовчи фуқаролар Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан бир гуруҳ отахон ва онахонларнинг Самарқандга зиёратга бориб келишларига ёрдам беришни сўраб муурожаат қилишди. Муурожаат қўйи бўғинда кўриб чиқилиб, нуронийларга транспорт воситаси ажратилишига кўмаклашилди.

Шунингдек, Шов қишлоғи аҳолиси айрим кўчалар асфальт қопламасининг носозлиги, Бешўғил қишлоғиликлар эса сой кўприги яроқсизлиги муайян қийинчиликлар туғдираётганини билдиришиб, мазкур масалалар ҳал қилинишига ёрдам сўрашган эди. Қўйи бўғин фаоллари муурожаатларни атрофлича ўрганиб, тегишли ҳужжатларни ташкилот директори, туман кенгашидаги О‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Фарҳод Шомуродовга тақдим қилишди. Депутат ўз ваколатлари доирасида йўл ва кўприк тўла таъмирланишига эришди.

Ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган 28 нафар йигит-қиз филиалда иш билан таъминланганлиги, айни кунларда эса 68 нафар талаба бу ерда амалиёт ўтаётганлиги ҳам БПТ саъй-ҳаракатлари маҳсулидир.

— Ф.Шомуродов туманда партия нуфузини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаолларимиздан, — дейди О‘zLiDeP Яккабоғ туман кенгаши раиси Махмудали Қулбулов. — У таянч тузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш, депутатлар иши самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ таклифлар билан чиқмоқда. Унинг ташаббуси билан туман иқтисодиёт бўлими ва ахборот-маслаҳат



— 107 НАФАР МАСЛАКДОШИМИЗНИНГ АКСАРИЯТИ ТАШАББУСКОР ЁШЛАРДАН ИБОРАТ, — ДЕЙДИ БПТ РАИСИ ОБИД СОАТОВ. — УЛАР АҲОЛИ ЎРТАСИДА ПАРТИЯМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ БАРОБАРИДА ЖОЙЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИБ, БПТ ЙИҒИЛИШЛАРИГА КИРИТМОҚДАЛАР.

маркази раҳбарларининг эшитувини режалаштирдик. Бунда асосий эътибор ёшлар бандлиги ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилаяпти. Шу билан бирга у ҳар ойда битта БПТнинг кўргазмали йиғилиши ўтказилишини йўлга қўйди.

Дарҳақиқат, партия фаолларининг сўзларига қараганда, Ф. Шомуродов теран фикрлай оладиган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини чуқур англайдиган, қобилиятли, интизомли, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашадиган билимдон мутахассис-

дир. У жамоадошларига янгиликка интилувчанлиги ва ташкилотчилиги билан ҳам ўрнат қўйиб келаётир.

— 107 нафар маслакдошимизнинг аксарияти ташаббускор ёшлардан иборат, — дейди БПТ раиси Обид Соатов. — Улар аҳоли ўртасида партиямизнинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш баробарида жойлардаги муаммоларни ўрганиб, БПТ йиғилишларида киритмоқдалар. Тумандаги энг ёш депутат — Бекзод Жабборов экспедициямизда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ишлари бўйича бош муҳан-

дис ўринбосари бўлиб ишлайди. У ҳам қўйи бўғинлар билан ҳамкорлик масалаларига масъулият билан қарамоқда. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишимизда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш борасидаги чора-тадбирларни белгилаб олдик. Шу билан бирга туманимиз тоғли ҳудудда жойлашганлиги боис аҳолини муқобил энергия билан таъминлаш, шомол энергиясидан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида амалий таклифлар ишлаб чиқаямиз. Имкониятларимиздан келиб чиқиб, Ҳўсин қишлоғида сувдан электр олиш тажрибасини амалда қўлладик ва қишлоқ аҳолисини электр қуввати билан таъминлашга ёрдам бердик.

— Сиёсий куч атрофига бирлашган фуқаролар партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда сайловчилар манфаатини ифода этишда зиммаларидаги масъулиятни теранроқ ҳис этадилар, — деди биз билан суҳбатда туман кенгаши депутати Ф.Шомуродов. — Шуни унутмаслик керакки, партияга аъзо бўлган кишининг сиёсий куч тўғриси-

даги илк тасаввури, қарашлари айнан бошланғич ташкилотда вужудга келади. Унинг қанчалик фаол бўлиши ҳам БПТ ишининг пишиқ-пухталигига боғлиқ. Буларнинг барчаси изланишга ундамоқда. Ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз бор. Улардан унумли фойдалана олсак, аъзоларимиз сони янада ортиб, электорат ичига чуқурроқ кириб боришга эришамиз. Таъкидлашни истардимки, партия келгусида ҳам мамлакатдаги етакчи сиёсий куч бўлиб қолиши учун О‘zLiDeP-га кучли бошланғич ташкилотлар зарур. Зеро, қўйи ташкилотлар партия қурилишининг пойдеворидир. БПТлар бутун партия аппарати ишини такомиллаштиришга фаол таъсир кўрсатиши, партия маҳаллий ташкилотларига унинг ишидаги камчиликлар тўғрисида ўз вақтида хабар бериши лозим. Қўйи бўғинларнинг депутатлар, маҳаллий ва ҳудудий партия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш учун бор имкониятлардан фойдаланишимиз керак.

Дарҳақиқат, партия аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар чоршанбасида сиёсий ўқув ўтказилаяпти. Ой якунида эса амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, берилган партиявий топшириқларнинг ижроси талаб этилмоқда. Давр билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш, Ватан тараққиёти, халқнинг фаровонлиги учун масъулиятни сезиб яшаш, ғоявий-сиёсий ишларни янада кучайтириш ҳар бир партия аъзосининг фаолият мезонига айланган.

О‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш консультанти Шаҳнозахон Муродованинг таъкидлашича, «Яккабоғ геофизика экспедицияси» филиали бошланғич партия ташкилоти «Энг намунали БПТ» кўрик-танлови вилоят bosқичи ғолиблигига асосий даъвогарлардан саналади. Бу ерда амалга оширилаётган ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишлар эса бу даъвонинг асосис эмаслигидан далолат бераётир.

Амалий ишлар ишончни мустаҳкамляпти

Зебо Рустомова 2011 йили АТ «Микрокредитбанк»нинг Қизилтепа туман филиалидан олинган имтиёзли кредит ҳисобига каштачилик ва тикувчилик йўналишидаги «Асадбек Зиё Нур» хусусий корхонасини барпо этиб, коллеж битирувчиларидан 10 нафарини шоғирдликка олганди. «Қўли гулдир ўзбек аёли» кўрик-танловида совриндор бўлган партиядошимиз Ҳиндистонда ўтказилган халқаро савдо ярмаркасида иштирок этди. Шунингдек, Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги туристик ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолади

— 2014 йили адрас тўқиш, ота-боболаримиз анъаналари асосида маҳаллий хом ашёлардан ипак толани бўяш учун ишлатиладиган табиий бўёқлар ишлаб чиқаришни ва ипакдан ип йиғиришни йўлга қўйди, — дейди тадбиркор. — Ишчиларимиз сони 31 нафарга етди. Корхонамизда О‘zLiDeP бошланғич ташкилотини туздик. 14 нафар маслакдошимиз билан либе-

рал-демократик ғояларни оммалаштириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш борасида изчил иш олиб бораямиз.

Дарҳақиқат, яқинда Хотин-қизлар қўмитаси, АТ «Микрокредитбанк» ҳамда О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамкорлигида Қизилтепа Агросервис ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Кичик бизнес субъектларининг янги иш ўринларини яратишдаги аҳамияти»

номли амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда тилга олинган БПТ аъзолари ҳам фаол иштирок этишди. Сафдошимиз З. Рустомова жорий йилда ўқув масканини битирувчи 15 нафар қизни иш билан таъминлаш мақсадида коллеж маъмурияти билан уч томонлама шартнома имзолади.

— Коллежда тахсил олиш баробарида уч йил давомида Зебо оладан тўқувчилик сирларини ўргандим, — дейди битирувчи Марҳабо

Явқочдиева. — 2014 йили «Ватан тараққиётида менинг ўрним» танловининг республика bosқичи совриндори бўлдим. Қўни кеча мен ва яна 14 нафар коллеж битирувчиси «Асадбек Зиё Нур» корхонасига доимий ишга қабул қилиндик. Бундай амалий ишлар тўфайли бизда О‘zLiDePга нисбатан ишонч янада ортаяпти.

М.АСЛОНОВ.

Изчиллик инъикоси

Коракўллик тадбиркор Шухрат Ҳусенов 2001 йилда 3 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритувчи «Доктор Норкул Ҳусенов» хусусий корхонасини ташкил этганди. Бугун эса корхона меҳнат жамоаси 20 кишидан иборат

Ўтган йиллар мобайнида корхона томонидан кўплаб савдо дўконлари бунёд этилди. Улар замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, туман аҳолисига озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича сифатли савдо хизмати кўрсатаяпти.

Тиниб-тинчимас тадбиркор 2013 йилда «ASL-DON» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига асос солди. Корхонада нон ва ун маҳсулотлари, кўп турдаги макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Маҳсулот сифатини янада яхшилаш мақсадида Ш.Ҳусенов шу кунларда Италиядан 150 минг АҚШ доллари қийматидаги ишлаб чиқариш линиясини олиб келиш тараддуидида.

Шухрат Ҳусенов «Эски қалъа» МФЙ ҳудудидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси сифатида ҳам қизгин иш олиб бораяпти. 20 дан зиёд маслакдошимизни ўз атрофига бирлаштирган мазкур БПТ партиянинг дастурий ғояларини оммалаштиришда

жонбозлик кўрсатаяпти. Чунончи, ҳудуддаги «Саидмедшиф», «Сахро мавжлари», «Умид Маҳмуд», «Лаззат лағмон» хусусий корхоналари ҳамда «Собирова Муҳтарам», «Озода Шер» якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларида ишлаётган ҳамюртларимизнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий билимларини оширишга бевосита кўмаклашаяптилар. Шунингдек, қўйи бўғин ваколатларини ишга солган ҳолда хусусий сек-

тор вакилларига тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилишига ёрдам бераётир. Масалан, фаоллар саъй-ҳаракатлари билан «Умид Маҳмуд» хусусий корхонаси яқинда молия муассасасидан 30 млн. сўм сармага олишга муваффақ бўлди.

Тадбиркор «Эски қалъа» маҳалласида яшаётган ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватляпти. Байрамлар муносабати билан дастурхонлар ёзилиб, тур-

ли авлод вакилларининг учрашувлари мунтазам ташкил қилинмоқда. Яқинда корхона томонидан маҳалладаги хаста инсонга ногиронлик аравачаси берилди. БПТ етакчисининг айтишича, ушбу йўналишдаги ишлар, хусусан, кексаларга иззат-иқром кўрсатиш борасидаги тадбирлар изчил давом эттирилади.

Сувон ЖўРАЕВ, О‘zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши масъул ходими.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Шу куннинг ўзида...

Шофиркон туманидаги иқтисодиёт касб-хунар коллежида O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда хусусий тиббиёт ва замонавий технологияларнинг аҳамияти» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари фаоллари, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этган тадбирда чекка қишлоқларда соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш, аҳоли ўртасида тиббий саводхонликни ошириш, аёллар, жумладан, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари, O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Аҳмедова, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳудудий маркази раҳбари Нодира Холова, «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Муборак Аҳмедова, Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, O`zLiDeP туман кенгаши раиси Тўймурод Шамсиев йигилганларни 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада mustаҳкамлаш, оналар ва болалар, ўсимрлар соғлигини муҳофаз қилиш борасидаги Давлат дастури, шунингдек, соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти билан атрофлича таништирилди. Шу куннинг ўзида малакали шифокорлар томонидан тумандаги «Зарчабек», «Қалмақон», «Шодлик», «Саврак», «Хўжа Ориф» сингари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари ҳудудидаги ҳонадонларда истиқомат қилувчи кам таъминланган кишиларнинг 810 нафари тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларга 21 млн. сўмлик дори-дармон ва зарур жиҳозлар тарқатилди. — Уйимга қўнғирок қилиб, тиббий қўриқдан ўтишим мумкинлигини айтишганида хурсанд бўлиб кетдим, — дейди «Қалмақон» маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Тўйбиби Кенжаева. — Мен сингари кексаларнинг дардига малҳам улашиб, савобини ва хайрли ишни амалга ошираётган тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман. Асхор ИСТАМОВ.

➤ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспортга йўл

навоийлик хусусий корхона эгаларини янги-янги изланишларга чорламоқда

Фахрийдин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга алоҳида имтиёзлар яратилаётгани туфайли юртимизнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга моликдир. Бунга жамғарма Навоий вилоят филиалининг фаолияти ҳам аяқол мисол бўла олади.

Жамғарма томонидан жорий йил давомида 30 та тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, хорижда бўладиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашишда, хорижий давлатларнинг қонунчилигидан келиб чиқиб талаб қилинадиган рухсат берувчи ҳужжатлар, сертификат ва лицензиялар олишда ҳамда божхона расмийлаштиру-

«Борига барака», «Борига қаноат қилмаган — боридан ҳам ажрайди», «Қаноат — зўр бойлик». Халқимиз шу сингари ҳикматли сўзлар билан кишиларни турмуш кечиришда сабот-матонатли, чидамли бўлиш, борига қаноат қилиш, ҳуда-беҳудага таваккалчилик қилмасликка ундайди. Бугун мазкур мақоллар ўзига хос миқёс ва аҳамият касб этмоқда. Зеро тирикчилик, деган баҳона билан ўзга юртларга отланаётган, бирон касбни пухта ўрганмай, хорижда мўмай пул топмоқчи бўлаётганларнинг аксарияти бугун мушкул ҳолатга тушиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Акбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr»

Энди бир ўйлаб кўрайлик: касб-хунарининг тайини йўқ, борар манзили ноаниқ, хорижий тилларни билмайдиган, меҳнат қонунчилигидан беҳабар ўспирин одам савдоси қўрбонига айланиб қолмаслигига ким кафолат бера олади? Чет элда яхши иш, аниқроғи, катта даромад таклиф этаётган таниш унинг жисмоний кучидан фойдаланишни кўзламаса, чақирармиди? Атрофга тийрак нигоҳ билан боқинг: зўриқиб ишлаш эвазига озгина маош олиб, соғлиғидан айрилиб келаётганлар озми?

Ҳақиқатан ҳам XXI асрда инсоният қўллаб глобал муаммоларга дуч келмоқда. Дунёнинг бир қанча давлатлари молиявий инқироздан талафот кўрган бўлса, бошқа минтақаларда юз бераётган табиий офатлар миллионлаб одамларнинг нафақат бошпанасиз, балки ишсиз-даромадсиз қилишига сабаб бўлаётир. Одам савдоси ва гиёҳвандлик каби трансмиллий жиноятлар кенг тарқалпти. Бу эса янги-янги, қутилмаган ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, аҳолининг ноқонуний миграцияси жаҳон сиёсатчилари томонидан долзарб масалалардан бири

сифатида баҳоланаётир. Чунки бу муаммо ижтимоий муносабатларнинг бузилиши, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг кўпайишига олиб келиши ўзига хос аксиомадир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли миграцияси ташқи ва ички кўринишда бўлади. Биз сўз юритаётган муаммо асосан ташқи миграцияда вужудга келади. Биринчи навбатда, узоқ муддат ишлаш учун чет элга кетганларнинг ўз яқинларидан йироқда юриши оилавий муносабатларга путур етказиши, ўзаро ишончнинг барҳам топишига олиб келиши кўп кузатилган. Шунингдек, четдан кириб келганлар ҳам анча муаммоларга дуч келишади. Чунки уларга тиббий хизмат кўрсатиш, фарзандларига таълим-тарбия беришда турли масалалар кўндаланг бўлиб қолади. Ўзга юрда муносиб иш топа олмаганларда эса безорилик, фирибгарлик сингари жиноятларни содир этишга мойиллик уйғонади.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда АҚШда 12 млн. нафардан ортиқроқ ноқонуний мигрант мавжуд. Бу расмий маълумот. Аслида уларнинг сони бундан ҳам кўп. Нолегал миграция икки хил йўл билан пайдо бўлади. Биринчиси, сайёҳ сифатида ёки ишлаш учун вақтинча чегарадан ўтганлар белгиланган муддат туга-

гандан кейин ўша мамлакатда қолиб кетишидир. Иккинчидан, атрофдаги давлатлар айрим фуқаролари ҳеч қандай чегара назоратисиз айланма йўллар билан мамлакатга кириб келишади. Мигрантларнинг аксари-ятини Марказий ва Жанубий Америка давлатлари фуқаролари ташкил этади.

Хўш, ноқонуний миграциянинг илдиз отиши қандай омиллар билан боғлиқ? Таҳлилчиларнинг фикрича, кўпгина мамлакатлар, жумладан,

кидланади. Унда жиноий гуруҳлар фаолиятига барҳам бериш мақсадида аниқ чора-тадбирлар кўриши белгилаб қўйилган.

Маълумки, бу режа БМТ Бош Ассамблеясининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинган эди. Ана шундай кенг қўламли саъй-ҳаракатларга қарамасдан ҳозирча одам савдоси билан боғлиқ жирканч иллатнинг илдизи қуритилишига муваффақ бўлингани йўқ. Халқро таҳлилчиларнинг сўзла-



рига қараганда, ҳар йили Ер юзида 4 миллиондан ортиқ катта ёшдаги киши ўз хоҳишига қарши сотилади ҳамда сотиб олинади. Энг ачинарлиси, ҳар йили 10 миллион бола қуллик исканжасига тушмоқда.

Ҳар йили ўртача 2 миллионга яқин аёл ўз мамлакатлари чегараларидан олиб ўтилиб, сотиб юборилади. Маълумотларга қараганда, ҳозир дунё бўйича тахминан 30 миллионга яқин киши одам савдоси туфайли қулликка тушиб қолган. Бу борада Непал, Судан, БАА, Ҳиндистон, Габон, Гаити каби давлатларда энг оғир ҳолатлар кузатилмоқда.

Бугунги кунда одам олди-сотди-си орқали топилаётган даромадлар ноқонуний қурол-яроғ ва олмос савдоси келтирадиган даромадларга тенглашди.

Маълумотларга кўра, ҳар йили одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳлар 32 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда олишади.

Бу иллат дунёдаги бирор-бир давлатни четлаб ўтмаган. Яъни, қайсидир давлатдан «тирик товар»лар олиб чиқилса, иккинчисига сотилади. Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, тиланчилик қилдириш ва инсон органларини трансплантация қилдириш мақсадида тирик одам-

ларни сотиш замонавий қулликнинг энг жирканч кўринишларидир.

Ўтган йили Германиянинг Der Spiegel ҳафталик нашрида эълон қилинган уюшган жиноий гуруҳларга қарши курашувчи CRIM кўмитасининг ҳисоботида Европа Иттифоқи мамлакатларида тахминан 880 000 киши мажбурий меҳнатга жалб қилингани айтилади.

«Кўхна китъа»да 3600 та халқаро уюшган жиноий гуруҳ фаолият юритаётир. Бу гуруҳлар бир йилда одам савдосидан 25 миллиард евро, инсон организмлари ва ёввойи ноёб ҳайвонлар ноқонуний савдосидан эса 20 миллиард евро-

дан зиёд даромад кўрмоқда. Бугун одам савдоси қўрбонига айланаётган қўллаб инсонлар фирибгарларнинг зарга ўралган найрангларига учмоқдалар. Улар ўт-кинчи хомхаёл, бемаъни орзу-ҳавас изидан қувиб, она юртини ташлаб кетишмоқда. Афсуски, мамлакатимизда ҳам бировларнинг ёлгон ваъдасига учиб, қуллик балосига мубтало бўлаётганлар, кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди. «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу», деганларидек, ўзга юрда баъзан иш берувчилар томонидан меҳнат фаолияти стандартларига риоя этилишини кафолатлайдиган

Электр таъминотида узилиш бўлмайди

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган матбуот анжумани мазкур тизимни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Пойтахтимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиб, саноат корхоналари сони кўпайиб бораётгани сайин электр энергиясига бўлган талаб ҳам тобора ортмоқда. Тадбирда таъкидланганидек, айни пайтда шаҳарда 595 мингдан ортиқ жисмоний ва 18 мингдан зиёд юридик шахс электр қувватидан фойдаланаяпти. Таъминотда узилиш бўлмаслигига эришиш учун 900 км.дан ортиқ эскирган кабелъ ва симларни алмаштириш, капитал таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Биргина жорий йилнинг ўзида 280 чақирим масофадаги узатгичларнинг капитал таъмирланиши кўзда тутилган.

— Яшнобод, Миробод, Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманларида қисман, жами трасса бўйича эса 85 км. масофадаги эскирган симлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида барқарор ишлашини таъминлайдиган, замонавий изоляцияланган симлар билан алмаштирилади, — деди корхона бош муҳандиси Д.Сайдуллаев.

— Шунингдек, электр ускуналари ва тармоқларига тезкор хизмат кўрсатиш парки ҳам янгиланмоқда. Тадбир сўнггида соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

➤ РЕКЛАМА ЎРНИДА



вида зарур хизматлар кўрсатилди. Натижада, ушбу тадбиркорлар томонидан жорий йилда 8,0 млн. доллардан ортиқ маҳсулот экспорт қилишга эришилди.

— Мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг ортиб бориши-

ни таъминлашга ҳисса қўшиш жамғармамиз олдида турган энг муҳим вазифадир. Шу боис тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга чиқишига ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилаямиз, — дейди филиал директори Равшан Маҳ-

мудов, — Амалий ишлар натижасида бугун вилояти-миздаги қўллаб тадбиркорлар ўз ишлаб чиқаришини замонавийлаштириш ва кенгайтиришга ҳаракат қилаяптилар. Янги-янги иш ўринлари яратилаяпти.

Шунингдек, жамғарманинг кўмағида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар хорижий мамлакатларнинг йирик савдо компаниялари билан тўғридан тўғри алоқа урнатмоқда. Жумладан, «Нурота Агрофирмаси» МЧЖ ва «Кармана агрофирмаси» МЧЖ корхоналари Россия давлатидаги «Азбука Вкуса» корхонаси билан ҳамкорлик битими имзолаб, 16,0 млн доллардан ортиқ Қишлоқ хўжалиги махсулотларини экспорт қилишга келишиб олинди.

Мухтасар айтганда, филиал томонидан амалга оширилаётган амалий ишлардан навоийлик тадбиркорлар мамнун. Бу эса, ўз навбатида, бошқа қўллаб ишбилармонларнинг ҳам жамғармага нисбатан қизиқишини орттириб, ҳудудда экспортбон маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда.

O`zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Муҳаббат Тохтаевага онаси **МУБОРАК АЛ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

➤ ЭЪЛОН



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:	ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:
«ҚАДРИЯТ» Омонатга ҳисобланган фонизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«ШОДИЁНА» (АҚШ долларид) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фонизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«БАХОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фонизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«МАДАД» (АҚШ долларид) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фонизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг туланади.	«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«ТЕЖАМКОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фонизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.	

Шу билан бирга, «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 60дан зиёд омонат турини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. **Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! — маълумотлари сир сақланиши тулиқ кафолатланади! — эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! — миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди
www.asakabank.com
Хизматлар лицензияланган.

СУҲБАТДОШ

«САНЪАТКОР БЎЛМАГАНИМДА, ТАДБИРКОР БЎЛАРДИМ»

— дейди Ўзбекистон халқ артисти
Тўти Юсупова



Халқимизнинг сеvimли санъаткори Тўти Юсупова ҳақида уйлаганимизда, кўз олдимизда гоҳ ўзбекнинг содда аёли, гоҳ сарой маликаси, гоҳо жонкуяр буви образи жонланади. «Нодирабегим» спектаклидаги Нодирабегим, «Келинлар кўзголида» Сотти, «Абдуллажон» фильмидаги она роллари орқали танилган, йиллар давомида сахнада суяги қотган элимизнинг ардоқли фарзанди гавдаланади. Бундай макомга эришиш инсондан кучли ирода, сабр-тоқат, тинимсиз изланишни тақозо этади. Театр ва кино санъати атоқли намоёндаларидан бири Тўти Юсупова билан суҳбатимиз касб масъулияти, машхурликнинг залворли юки, сахна ортидаги ҳаёт хусусида бўлди.

— Институтда ўқиб юрган кезларимда аёл кишига ҳам, санъатга ҳам муносабат бошқача эди. Аёл ожиза, унинг қўлидан кўп иш келмайти, фақат уйда ўтириши, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиши керак, деган тушунча устун эди. Эндиликда хотин-қизларга ҳурмат ва эътибор тубдан ўзгарди. Айниқса, биз — санъаткорлар учун истиқлол кенг имкониятлар эшигини очди. Хусусан, менинг камтарона хизматларим давлатимиз томонидан қа-

дрланиб, «Эл-юрт ҳурмати», «Фидокорона хизматлари учун» орденлари билан тақдирландим. Бу — мен учун катта шараф. Негаки, элимизнинг меҳри шундай мукофотлар олишимга сабаб бўлди. Бугунги ўзбек аёли фақат бешик тебратиб ўтирмайди. У йирик тадбиркор, фермер, ташкилот раҳбари. Халқаро кўргазмаларда яратган маҳсулотлари билан хорижликларни лол қолдираётди. Мамлакатимизнинг турли гушаларида қанчадан-қанча аёлларимиз тикувчилик, қандолатчилик чеҳи очиб, ҳам давлатга, ҳам оиласига қўшма қилтиришяпти. Ёки фермерлик билан шуғулланаётган хотин-қизларни олайлик. Элимиз дастурхонининг мўл-кўлчилигида уларнинг ҳам хизматлари бор. Мен аёл бахти деганда, аввало, оила хотиржамлиги, болалари соғлиги, ишлаётган жойида кўрсатилаётган рағбат ва эътиборни тушунаман.

— Халқнинг юрагидан жой олиш, ишончини қозониш санъаткор учун буюк шараф. Сиз ана шундай бахтни туйган, ҳис қилган инсонсиз...

— Аслида ватандошларим билдирган ишончини оқлашнинг ўзи осон бўлмаган. Санъат соҳасига 1953 йилда кириб келганман. У пайтларда санъатга бўлган муносабат

бугунгидай эмасди. Айниқса, хотин-қизларнинг сахнага чиқиши ҳамиша ҳам тўғри қабул қилинавермасди. Кўплаб эркак актёрлар аёллар кийимини кийиб, юзларига пардоз қилиб, роллар ижро этган вақтлар ҳам бўлган. Ҳозирчи? Вазият бутунлай ўзгарди. Театримиз биноси қайтадан таъмирланиб, кўзни қувонтирадиган даражага келди. Хоналаримиз ёруғ, шинам, барча шарт-шароит муҳайё. Яқинда театримизнинг 100 йиллигини нишонладик. Ижодкор учун энг катта бахт — эътибор. Меҳнатлари рағбатлантирилган, хизмати қадрланган жойда одам ишлаб чарчамайди. Ҳаётга бўлган муҳаббати ортади. Баъзан бутунлай нотаниш аёлларнинг «сиз менинг дардимни олиб чиқибсиз» деган гаплари қалбимни тоғдек кўтарди. Чеккан машаққатларим зое кетмаётгани, ижодимдан баҳраманд бўлаётган, ўрнатилган мухлисларим борлигига шукр қиламан.

— Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинишини халқимиз хурсандчилиги билан қутиб олди, шундай эмасми?

— Ёши улғу инсонларга эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятнинг юксак маънавий ва маданий белгисидир. Қарияларга ҳурмат — олий ғиммат. Қариси бор жойнинг париси бўлади, оилалар тинч-тотув яшашади. Халқимизнинг «Қари билганни пари билмас» деган нақлида жуда катта маъно мужассам. Биз ижро этаётган образларимиз орқали ёш авлод онига меҳр-муҳаббат, садоқат, вафдо, ватанпарварлик каби эзгу хислатларни синдиришни бош вазифамиз, деб биламиз.

Юртимизда кексаларга кўрсатилаётган ҳурматни дунёнинг ҳеч қайси давлатидан тополмайсиз. Прези-

дентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши руҳимизни жуда кўтариб юборди. Ёшлигимда катталарга нисбатан «энди қариб қолди, уйда ўтирса ҳам бўларди» деган гаплар қулогимга чалинарди. Ўшанда ҳаёлимдан одам қариса ҳеч кимга керак бўлмай қоларкан-да, деган фикрлар ҳам ўтган. Ҳозирчи? Энди театрда ҳам, кўча-қўйда ҳам одамларнинг самимий муносабатидан катта меҳрни туяман. Баъзан «Театрга сизни кўргани келдик» деган мухлисларим борлигидан фахрланиб кетаман. Саҳнага чиққанимда чалинадиган қарсақлардан қувонаман. Биз — санъаткорларга билдирилган бундай эътибор, ишончдан бошим осмонга этади.

— Ёшлигингизда чеварлик билан ҳам шуғулланган экансиз?

— Тўғри. Менга онамерос касб бу. Бувим ва онам кийим тикардилар, улардан ўрганиб, тикувчилик қилганман. Ишхонадагилар, қўни-қўшинларнинг ҳожатини чиқарган пайтларим ҳам бўлган. Шу орқали рўзгорга бироз нафим теккани рост. Тиккан қўйлақларим сонини ҳисобласангиз, 12 мингдан ошади. Бугунги кун ёшларининг тикувчилик чеҳлари очиб, ёшларни иш билан таъминлаётганини кўриб, ҳавасим келади. Агар ёш бўлганимда, албатта, тадбиркор бўлардим, деб ўйлайман. Балки машхур тадбиркор аёл бўлардим.

Юртимизнинг иқтисодий ёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган тадбиркор ва фермерларга омад, оилавий хотиржамлик тилайман. Бундай сержайрат инсонлар бор экан, бозорларимиз фаровон, дастурхонларимиз тўкин, тинч осмонимиз доимо мусаффо бўлаверади.

Суҳбатдош:
Дилноза НОМОЗОВА.

МУТОЙИБА

Ўғил отасининг олдида югуриб кирди:
— Дада, мен фақат саломлашиш учун келдим.
— Кечикдинг, ўғлим, онанг сендан аввал чўнтагимдаги борини олиб кетди.

— Дада кўзингизни юмиб, имзо қўя оласизми?
— Ҳа, нима эди?

— Унда кундалигимга қарамай қўл қўйиб беринг!

— Бунча ҳам кўп савол берасан-а, ўғлим? Мен ҳам сендайлигимда катталарга шунча кўп савол берганимда нима бўларди?
— Балки шунда бугун саволимга жавоб бера олган бўлармидингиз.

Бола акасига:
— Сиз мактабга кетганингизда ойим «икковинг бўлиб ёнлар», дея саккизта мандарин бериб кетди. Ҳар биримизга олтидан!
— Ие, саккизта мандарини қанақасига ҳар биримизга олтидан бўлдинг?
— Билмадим, аммо ўзимга тегишли олтичасини аллақачон еб бўлдим.

ЭЪЛОН

Qishloq Qurilish Bank

барча юртдошларимизга Хотира ва қадрлаш уни муносабати билан миллий ҳамда хорижий валютадаги янги омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

«Жасорат» — омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.

«Матонат» — омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

«Самарали» — омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Имконият» — омонатга маблағлар 1 йилдан — 3 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«Percent» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

«Profit» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад» — маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

«Хонадон» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.

«Қурилишга бошланғич бадал» — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

— солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!

— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

— миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.


РЕКЛАМА

ROYAL STEEL


ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



Металлочерепица и профнастил



Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм Южной Кореи и России. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

Производство в Ташкенте

Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72

Адрес: Учтена-26, ул. Максуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)

ROYAL STEEL

www.royalsteel.uz

Товар сертифицирован.

3A3 FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

XXI ASR
ЎТМОЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент. Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45. Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 2906 Тираж: 14430

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Навбатчилар:
Б.ИСРОИЛОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.